

УДК:796.08:316.3(575.1)

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА
СПОРТ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ
КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕПОДОВАТЕЛЕЙ ДИСЦИПЛИНЫ
ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА В ПРОЦЕССЕ ВЫСШИХ
УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ**

**IMPROVEMENT OF THE PEDAGOGICAL QUALIFICATION OF
TEACHERS OF THE DISCIPLINE OF PHYSICAL EDUCATION AND
SPORTS IN THE PROCESS OF HIGHER EDUCATIONAL EDUCATIONAL
STUDIES**

Исајсан Мусажанович Мирзакулов,

*Тошкент давлат транспорт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти
Ўзбекистон, тошкент шаҳри*

Исајсан Мусажанович Мирзакулов,

*Ташкентский государственный транспортный университет,
доцент кафедры «Социальные дисциплины»
Узбекистан, г.ташкент*

Isazhan Musazhanovich Mirzakulov,

*Tashkent state transport university, associate professor of the
department of social disciplines*

Uzbekistan, tashkent

E-mail: mirzakulov.isazhon@bk.ru

Калим сўзлар: жисмоний тарбия, спорт, таълим, шугулланувчи, тренер, педагогик маҳорат.

Ключевые слова: физическое воспитание, спорт, обучение, занимающие, тренер, педагогические навыки

Keywords: physical education, sports, training, occupational, trainer, pedagogical skills

Мавзунинг долзарбилиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгандан кундан бошлаб жисмоний тарбия ва спортнинг миллий хусусиятларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга ёътибор янада кучайди. Миллий анъаналаримиз, бой миллий меросимизни қадрлаган Юртбошимиз юқорида айтган сўзларибўйича маърифат ва маданиятни

ривожлантириш билан бир вақтда ёш авлоднингжисмоний тарбиясига, спорт ишларини янада юксалтиришга жуда катта ғамхўрлик қилмоқдалар. Олий таълимнинг фундаменталлиги реал дунёдаги жараёнлар, обьектлар ва ҳодисалар орасидаги муносабатларни ажратиб била олишга йўналтирилган бўлиб, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда асос сифатида қабул қилинган. Давлат таълим стандартлари тайёрланаётган кадрларнинг кўникма ва малакаларига юқори талабларни қўймоқда. Шу талаблар замонавий шароитлардан бевосита келиб чиқсан бўлиб, уларнинг мақсади таълим олаётган ёшлардан миллий интеллектуал елитани шакллантиришдан иборат. Гуманитар, ва шу билан бирга техник таълим йўналишлари учун қўйилган малака талаблари ичида жисмоний тарбия ва спорт фанига доир талаблар алоҳида ўрин тутади. Бу эса ўкув режаларда ўз ифодасини топади.

Бу борада Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш тўғрисидаги қарор ва фармонлари, соҳага йўналтирилган видеоселектор йиғилишларида айтилган фикр ва мулоҳазаларида ва бир қанча қонун ости ҳужжатларда бу масала ўзининг ёрқин ифодасини топган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 24-январь 2020-йилдаги ПФ-5924-сонли Фармонида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган аҳолининг умумий сонини 30 фоиз, спорт ташкилоти ва муассасаларида шуғулланаётган ёшларнинг умумий сонини 20 фоизгача ошириш, давлат спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркиби, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич 80 фоизга етказишга эътибор қаратилди. Шунингдек, Вазирлар Махкамасининг 19-ноябрь 2019-йилда қабул қилган 918-сонли қарорида тренер, инструктор-методистлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, тренерларни аттестациядан ўтказиш ва уларга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги Низом қоидаларида уларнинг зиммасиги маъсулиятли вазифалар юклатилганлиги билан аҳамиятли. Чунки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш билимли, юқори савияга эга бўлган, креатив фикрлайдиган ўз соҳасининг фидоийларига боғлиқлиги айни ҳақиқат. Шундай экан, жисмоний тарбия ва спорт бўйича олиб бориладиган амалий машғулотларнинг сифат ва самарадорлиги бевосита соҳа ўқитувчиларининг педагогик маҳортига ҳам боғлик.

Тадқиқотнинг мақсади. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фани ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари: Жисмоний тарбия ва спорт орқали соғломлаштириш, тарбиялаш ва билим беришга қаратилган масалаларда комплекс равишда ўргатишдан иборат.

- талабалар соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- уларнинг ақлий ва жисмоний фаолиятни яхшилаш мақсадида жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланишини ошириш;

- талабаларни жисмоний машқларга, жисмоний ва соғлом ҳаёт тарзига бўлган талабини бажариш;
- соғлом турмуш тарзига риоя қилиш;

Тадқиқот услублари. Бугунги амалиёт жараёни шуни кўрсатмоқдаки жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиларида педагогик маҳоратнинг етарлича бўлмаганлиги, улардаги билим, кўникма малака ва компетентликни талаблар даражасида эмаслиги, мавжуд билим ва кўникмаларни тарбияланувчиларга етарлича етказиб бера олмаслиги каби ҳолатлар кўзга ташланмоқда.

Таълим муасссаларида шуғулланувчиларга миллий ва ҳаракатли ўйинлар орқали машғулотларни олиб бориш ва уларни жисмоний ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш мутахасислардан юқори педагогик маҳоратни талаб қиласди. Шундай экан спорт бўйича мутахасисларни илмий методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида умумкасбий фанлар таркибида “Педагогнинг профессионал компетентлиги ва маҳорати” модели орқали ўқитувчиларда педагогик маҳоратларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада Олий таълим муасссаларида педагогик маҳоратнинг таркибий элементлари билан таништириш, уларда педагогик услуб, нутқ маданияти, педагогик деонтология, коммуникатив қобилият, шунингдек, замонавий педагогнинг имиджи тўғрисидаги билим кўникма ва малакаларини эгаллаши ва мазкур билимлар негизида зарур малакаларнинг ўзлаштирилиши педагогик жараён сифати ва самарадорлигини таъминлашга олиб келади.

Тадқиқот таҳлили. XXI-аср бошларида жамиятнинг ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар таълим тизимини ислоҳ қилиш ва унинг муҳим элементи сифатида ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнларини кучайтиргди. Педагогик тизимлар ва ўқитувчиларнинг фаолияти тадқиқчилар диққат марказига айланди. Бу даврда мактаб, лицей, касб-хунар коллежлари ва ОЎЮларни ривожлантириш омиллари сифатида ўқитувчилар учун малака ошириш курслари тизими ва қайта топширишлари тўғрисида у ёки бу даражада ривожланаётган бир қатор тадқиқотлар олиб борилди (Зухра Мирсипаси, Фарзона Садот Ҳайдари, Сафари Нурбаш, Мустафо Тагизода, Шайбоний Муҳаммад, Ризо Тоҳирий, Ходи Худододи, Жамалпири Аллоҳу, Аббос Тариқий Тоҳир, Жабири, Муҳсин Сафарзад, Хусейн Нафар, Зухра Баҳарванди, Муҳаммадризо Фалохи, Содик Муҳаммадабади, Захра Хомачиян, Аҳмед Холати Амлаши, Мацулиқа Гафоджан Гароили ва бошқалар).

Рўйхатдаги олимларнинг диссертация тадқиқотлари шуни кўрсатадики, таълим тизими ижодкорлик, инновация, ўқитишига инновацион ёндошиш натижасида яратилган янгиликларни жорий этиш орқали ривожланиши мумкин. Тожик олимлари ва тадқиқотчилари (Лутфуллоев М., Шарифзода Ф., Каримова И.Х., Буидаков X., Сулаимони С. Зиёзода Т. ва бошқалар) ўқитувчилар малакасини ошириш муаммолари билан қисман ёки билвосита шуғулланишган.

Олимлар ва педагогик новаторларнинг сайи-ҳаракатлари билан педагогикада илмий-назарий асослар шаклланди, бу эса педагогик жараёнларни ривожлантиришда ўқитувчининг ўрни тўғрисида ғояларни ишлаб чиқишига имкон беради.

Инновацион фаолият учун ўқитувчини мақсадли тайёрлашни амалга ошириш ва жараёнларни лойиҳалаштириш қобилияти Л.С.Подимова, В.А.Сластенин, П.И.Третяков, ТИ.Шамова асарларида асосланади. Педагогик ғоясини ривожлантиришга ўқитишида инновацион ёндашувлар моҳиятини очиб берадиган амалий нуқтаи назардан турли даврларнинг педагог-новаторлари асарлари катта ҳисса қўшди (Ш.А. Амонашвили, ИП Волков, Е.Н.Ильин, С.Н.Лисенкова, В.Ф.Шаталов, М.И.Счетинин ва бошқалар).

Хорижий тадқиқотчилар - Пилоти, Тоскана Андреа Хронис, Жон Хейз, Керол Пол, Андрей Анри, Среамер Атилла, Сескер ҳам ҳозирги босқичда ўқитувчилар малакасини оширишнинг янги ёндашувларини кенг кўриб чиқдилар.

Тадқиқот натижалар. Яхлит таълим-тарбия жараёнини ташкил этишида ўқитувчининг ҳаракатлари қуйидагилардан иборат:

1) Кафедранинг ўқув гуруҳларини жисмоний, спорт-техник тайёргарлик даражаси, саломатлик ҳолатига мувофиқ эгаллаш; зарур ўқув ва услубий ҳужжатларни тайёрлаш.

2) гуруҳ билан амалий танишиш ва ўқувчиларнинг индивидуал, шахсий хусусиятлари (мотивацион соҳа, шахснинг эътиқоди ва дунёқараши, даъволярнинг мақсади ва даражаси, шахсиятнинг интеллектуал, ҳиссий иродавий соҳаси, индивидуаллик ва бошқалар) ҳақида бирламчи ғояларни ўрнатиш).

3) спорт базаси ва машғулотлар учун зарур бўлган жиҳозлар ва инвентарларнинг тайёрлигини текшириш.

Режалаштирилган педагогик вазифаларни ҳал қилиш жараёнида талabalар фаолиятини бошқариш бевосита педагогик таъсир ва жорий назоратни ўз ичига олади. Педагогик таъсир ўқитувчининг ўқув маълумотларини узатишига қаратилган касбий ҳаракатлари ва талabalарни ўқитиши ва тарбиялаш учун уни зарур ташкил этишни белгилайди..

Бироқ ўқув муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчи-мураббийлари томонидан тарбиявий ва таълим масалаларини ҳал қилиш учун жуда кам вақт ажратилган, масалан фақат бир курсда бир семестр (30 соат амалий ва 30 соат мустақил таълим, бу 2 таълим кредитидир). Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг кам самаралилиги масаласини ҳал қилишда асосий муаммо, юқорида айтилгани каби, олиб бориладиган машғулотларига бўлган эҳтиёжни шакллантириб, талabalарни уларга қизиқтира олишдан иборат. Бунинг учун юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб жисмоний тарбия

ва спортга замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда турли ёндашувлардан фойдаланилиш самара беради.

Кўпдан бери инсоннинг жисмоний ҳаракатланиш фаоллигини бошқариладиган индивидуаллаштириш, салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий қонуниятлари тўғрисидаги тасаввурлар тизими сифатидаги жисмоний фаоллик концепцияси, шахснинг жисмоний камолотга эришиш жараёнига фаол муносабатини шакллантириш йўллари ва воситалари мухокама этиб келинмоқда. Ёшларнинг индивидуал жисмоний фаоллигини ташкиллаштириш йўллари ва шакллари устида доимий равишда изланишлар олиб борилмоқда.

Фикрларнинг фарқли хусусияти – унинг асосида шакллантирилайдиган билим соҳасининг интегратив характерга эгалиги, унинг ижтимоий ва биологик жиҳатларининг органик бирлиги, уни амалий рўёбга чиқариш соҳасидаги илмий-технологик асосларнинг мақсадга мувофиқ равишда бирлаштирилиши билан боғлиқ. Бунда етакчи ғоя – ҳар бир инсоннинг индивидуал, морфо-функционал, руҳий (психологик) ва ёш хусусиятларини, шунингдек уни жисмоний тарбиялаш жараёни, ҳамда мотор (ҳаракатланиш) имкониятлари ва шахсий қарашларидаги ўзига хос хусусиятларини имкон қадар тўлиқ ҳисобга олган ҳолда камолотга эриштириш вазифасини амалда тадбиқ этиш кўзда тутилади.

Талабаларнинг жисмоний тарбияга бўлган эҳтиёжи унинг жисмоний фаоллиги, ўз жисмоний имкониятларини яхшилашдаги ютуқлари, тириклик фаоллиги ва иш қобилияти даражасини ошириш, атрофдагилар назарида мавқеи ва хурматини кўтариш, саломатлигини ҳис этиш ва ўзининг жисмоний ва эмоционал ҳолатини бошқариш имконияти, ҳар хил фаолият турларида эришилган муҳим ютуқлар, турли мукофот шакллари ва шу кабилар билан рағбатлантирилади.

Хулоса. Тадқиқот тахлиллари ва фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг жисмоний холатини ривожлантириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари келтириб ўтилган масалаларнинг долзарблигидан далолат беради. Шундай экан Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт фанини юқори босқичларда 2, 3, 4-курсларда олиб бориш (6-8 таълим кредитига кўтариш), таълим бериш тизимини кучайтириш ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини такомиллаштиришда, уларнинг диссертация ишларини бажариб малакаларини ошириш учун таянч бўла олиши ҳозирги кунда долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

References:

1. Мухамадиев К.Б. [Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини ошириш ва талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг назарий асослари: Монография // “Инновацион ривожлантириш нашриёти-матбаа уйи”](#)– Тошкент, 2021.

2. Мирзакулов И. Таълимни инсонпарварлаштириш фалсафий моҳияти //World scientific research journal. – 2022. – Т. 9. – №. 1. – С. 124-129.
3. Халикова, Л. У., & Мустафаева, К. Н. К. (2021). РАБОТА С АНГЛИЙСКИМ АЛФАВИТОМ И ИЗУЧЕНИЕ ОТДЕЛЬНЫХ ГРАММАТИЧЕСКИХ ЯВЛЕНИЙ. Academy, (6 (69)), 39-40. <https://cyberleninka.ru/article/n/rabota-s-angliyskim-alfavitom-i-izuchenie-otdelnyh-grammaticheskikh-yavleniy>
4. Uktamovna, X. L. (2021). TEACHINING COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN MODERN FOREIGN LANGUAGES. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES, 2(6), 53-56. <https://cajotas.centralasianstudies.org/index.php/CAJOTAS/article/view/1896..>
- Yuldasheva, M. B. (2020). HISTORY OF THE ENGLISH UZBEK TRANSLATION. Theoretical & Applied Science, (3), 11-14.
7. Yuldasheva Ma’Mura Bahtiyorovna (2020). The organization of the mental lexicon. Наука, образование и культура, (1 (45)), 44-45.
- 8.. Bakhtiyorovna, Y. M. (2022). RELATION OF COMPARATIVE STYLISTICS WITH TRANSLATION THEORY.
9. Saydivaliyeva, B. S. (2021). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL SIGNIFICANT QUALITIES. Экономика и социум, (3-1), 273-277.<https://www.elibrary.ru/item.asp?id=45770178>
10. Saydivaliyeva, B. S. (2021). ORGANIZATIONAL AND PEDAGOGICAL CONDITIONS FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL SIGNIFICANT QUALITIES. Экономика и социум, (3-1), 273-277.
11. Mustaeva, G. S., Saidivalieva, B. S., & Ataeva, G. B. (2022, June). Features of professional vocabulary and its difference from terms. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 060017). AIP Publishing LLC.
12. Mustaeva, G. S., Saidivalieva, B. S., & Ataeva, G. B. (2022, June). Features of professional vocabulary and its difference from terms. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 060017). AIP Publishing LLC.
13. Abdurashidovna, A. N. (2022). YANGI O ‘ZBEKİSTONDA CHET TİLLARNI OMMALASHTIRISH VA ZAMONAVIY TEKNOLOGİYALARDAN FOYDALANISH. World scientific research journal, 9(1), 63-70.
14. Абдурашидова, Нилуфар Абдурашидовна, & Ҳасанов, М. (2022). ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10), 1226-1235.
15. АБДУРАШИДОВА, Н.А. (2022). ПОЧЕМУ СМЕШАННОЕ ОБУЧЕНИЕ: ЗНАЧЕНИЕ ВЛ ДЛЯ УЧИТЕЛЕЙ. ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ И ПРИКЛАДНАЯ НАУКА Учредители: Теоретическая и прикладная наука , (2), 136-139.

16. Абдурашидова Н.А. (2021, декабрь). ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ЯЗЫКУ В МАЛЫХ ГРУППАХ. В Междисциплинарной конференции молодых ученых в области социальных наук (стр. 20-22).
17. Xasanova, V. X., Muratova, G. K., Atamuhamedova, G. S., & Xalikova, L. (2021). The development of speech competence among students of non-linguistic technical universities in teaching Russian. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 8(2), 296-301.
https://ejmcm.com/pdf_3207_d50a883c70847e131ebd9a35f4beaefa.html%20https://ejmcm.com/article_7252.html
18. Xalikova, L. U. (2018). THE ESSENCE OF INTEGRATED SKILLS IN IMPROVING STUDENTS'CRITICAL THINKING. In International Scientific and Practical Conference World science (Vol. 7, No. 4, pp. 66-67). ROST.
https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=Vfj_4SAAAAAJ&citation_for_view=Vfj_4SAAAAAJ:WF5omc3nYNoC
19. Uktamovna, K. L. (2022). MASTERING EDUCATIONAL AND RESEARCH SKILLS IN A FOREIGN LANGUAGE. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 3(10), 70-75.
<https://it.academiascience.org/index.php/it/article/view/343>
20. Uktamovna, K. L. (2022). USE OF MULTIMEDIA FOR THE IMPLEMENTATION OF VARIOUS METHODS OF LEARNING. Innovative Technologica: Methodical Research Journal, 3(10), 64-69.
<https://it.academiascience.org/index.php/it/article/view/342>
21. Uktamovna, K. L., & Ismailovna, M. S. (2021). MODERN METHODS OF TEACHING ENGLISH LANGUAGE IN NON-LANGUAGE UNIVERSITIES. Вестник науки и образования, (11-2 (114)), 85-87.
<https://cyberleninka.ru/article/n/modern-methods-of-teaching-english-language-in-non-language-universities>
22. Uktamovna, K. L. (2022). Opinions of Scientists About the Deixis Phenomenon. Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching, 8, 117-121.
<https://www.geniusjournals.org/index.php/ejlat/article/view/1505>
23. Khalikova, L. U. (2019). INNOVATIVE APPROACHES IN THE METHOD OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN UNIVERSITIES. Theoretical & Applied Science, (11), 654-657. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=42407815>
24. Халикова, Л. У. (2021). РОЛЬ КОММУНИКАТИВНОЙ МЕТОДИКИ В ОБУЧЕНИИ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ. Вестник науки и образования, (15-1 (118)), 30-33. <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-kommunikativnoy-metodiki-v-obuchenii-angliyskomu-yazyku>
25. Sh, S., Kh, R. Z., & Khalikova, L. U. (2022). New Ways to Learn English. Eurasian Research Bulletin, 14, 7-11.
<https://www.geniusjournals.org/index.php/erb/article/view/2489>